

2022 йил "31" наувары

Тошкент шаҳри

Устав (буйруқ) асосида иш юритувчи «Юнусобод дәхқон бозори» АЖ, келгусида «Ижарага берувчи» деб аталувчи, жамият директори в.б. Ж.Алматов шахсида бир томондан ва ишончнома асосида иш юритувчи АЖ «РОУТАХТ BANK» Амалиёт бошқармаси, қуида «Ижарага оловучи» деб аталувчи, Д. А. Ахрапов шахсида иккинчи томондан, қуидагилар ҳақида ушбу шартномани туздилар.

### 1. Шартноманинг мазмуни:

- 1.1. «Ижарага берувчи» «Ижарага оловучи»га бозор ҳудудидан 1 та банкомат жойлаштириш учун ер майдонини ижарага беради.
- 1.2. «Ижарага оловучи» белгиланган миқдорда жой ҳақи тўловини ўз муддатида «Юнусобод дәхқон бозори» АЖга тўлайди.

Ажратилган ижара обьекти	Банкомат (ҚҚС билан)	ҚҚСсиз сума	15 % ҚҚС суммаси	ҚҚС билан қиймати
Банкоматлар сони	1	-	-	
Бир ойлик ижара ҳақи суммаси	707.100	614.869,57	92.230,43	707.100
Сарфланган 1 клв. электр энергияси учун тўлов миқдори		Тариф бўйича	-	-
Жами		614.869,57	92.230,43	707.100

### 2. Томонларнинг жавобгарликлари;

2.1. «Ижарага оловучи» ижара ҳақи тўловини ҳар ойнинг 25 сана сигача 100 фоиз миқдорда келгуси ой учун олдиндан пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

2.2. Электр энергия хизматлар учун тўлов миқдори марказлашган тартибда ўзгарганида, уни ошириш, ижара ҳақи учун тўлов миқдорларини ўзгартириш жамият Кузатув кенгашининг қарори билан «Ижарага берувчи» томонидан ўзгартирилади ва тарафлар ўртасида қўшимча келишув тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

2.3. «Ижарага оловучи» ўз молиявий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда чорак, йиллик ижара ҳақи тўловларини олдиндан амалга оширишга ҳақлидир.

### 3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

#### 3.1. «Ижарага берувчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- ижарага берилган жойни «Ижарага оловучи» томонидан мақсадга мувоффик равишда фойдаланишини назорат қилиш;
- ижарага олинган жойни озода сақланиши ва санитария қоидаларига амал қилинишини талаб қилиш;
- шартнома шартларини ўзаро келишган ҳолда ўзгартириш, қўшимча киритиш ёки бекор қилиш;
- ижара ҳақини ўз вақтида тўланишини талаб қилиш;
- ижарага берувчи ижарага оловчининг мулкини жавобгарлигини ўз зиммасига олмайди;
- ушбу шартнома шартлари бузилган ҳолда, шартномани бир тарафлама бекор қилиш ва бошқа ижарачи билан шартнома тузишга ҳақлидир.

#### 3.2. «Ижарага оловучи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- ижарага олинган жойдан шартнома шартларига мувоффик ва қўзланган мақсадларда фойдаланиш;
- ижара ҳақи ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловларни ўз вақтида тўлаб бориш;
- ижарага олинган жойни яроқли ҳолатда сақлаш, жорий таъмирлаш ишларини ўз ҳисобидан амалга ошириш;
- ижарага олинган жойни санитария, ёнғинга қарши ҳамда хавфсизлик кўрсатмаларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш;
- ижарага олинган жойни суб ижарада ёки бошқа шахсга фойдаланиш учун бермаслик;
- ижарага олинган жойда амалдаги қонунчилик билан таъкиқланган ва рухсат берилмаган маҳсулотлар билан савдо қилмаслик, ўзбошимчалик билан қўшимча қурилмаларни қурмаслик;
- юридик манзили ўзгарган тақдирда, бу ҳақда «Ижарага берувчи»ни уч кун муддат ичida огоҳлантириш;
- истеъмолчиларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида, савдо нуқтасини иш куни мобайннида узлуксиз фаолият юритишни таъминлаши ҳамда сотилаётган маҳсулотларнинг нархини ассосиз оширмаслик;

### 4. ИЖАРАГА ОЛИНГАН МУЛКНИ ЯХШИЛАШ:

4.1. «Ижарага оловучи» ижарага олинган жойни «Ижарага берувчи»нинг рухсатисиз қайта тиклаш, тўлиқ таъмирлаш, қайта қуриш, ўз мақсадларига мувоффик мослаштириш, ҳуқуқига эга эмас.

4.2. Ижарага олинган жой таъмирланганда ёки қайта қурилганда, «Ижарага оловчи» амалга оширилган ишнинг сифатига моддий жавобгар бўлиб, таъмирлаш ишлари билан боғлиқ бўлган носозликлар учун жавобгардир.

4.3. «Ижарага оловчи» «Ижарага берувчи»га олинган жойни топшириш вақтидаги ҳолатига зиён етказмасдан топширади.

#### **5. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК:**

5.1. «Ижарага оловчи» томонидан тўловлар ўз вақтида тўланмаган ҳолда ҳар бир кечикирилган кун учун бир ойлик тўланадиган сумманинг 0,5 фоизи миқдорида пеня ундирилади, ундириладиган жарима миқдори шартнома суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

5.2. Ижара обьекти шартномада кўрсатилган муддатда «Ижарага оловчи»га топширилмагандан, «Ижарага берувчи»дан ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун ижара ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида пеня ундирилади, ундириладиган жарима миқдори шартнома суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

5.3. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган бошқа ҳолатлар бўйича томонларнинг жавобгарлиги амалдаги қонунчиликка асосан тартибга солинади.

#### **6. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ:**

6.1. Тарафлар келишуви билан, ушбу шартнома шартлари бузилганда, жамият бошқарувининг қонуний талаблари бажарилмаган, Давлат ва ҳокимият қарорлари қабул қилинган ҳоллардан бекор қиласди.

6.2. Ушбу шартномага киритилмаган барча қўшимча, ўзгартришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг имзоси билан тасдиқланган ҳолда ҳуқуқий кучга эга бўлади ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

#### **7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР:**

7.1. Бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳоллар, яъни уруш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги, фуқаро тартибсизлиги, ер қимирлаши, сув босиши, ёмғир ва бошқа табиий оғатлар юз бериши тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳолларда тарафлар мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар.

#### **8. БОШҚА ШАРТЛАР:**

8.1. «Ижарага оловчи» томонидан шартнома бекор қилинган ҳолда, «Ижарага берувчи»ни 2 хафта олдин ёзма равишда огоҳлантириши шарт.

8.2. Ушбу шартнома бўйича юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинади, ўзаро келишилмаган ҳолларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

8.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб, бир хил ҳуқуқий кучга эгадир.

5.1. Ушбу шартнома томонлар имзо чеккан кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 01 январидан 2022 йил 30 июняга қадар амалда бўлади.

#### **9. Тарафларнинг юридик манзили ва реквизитлари:**

«Ижарага берувчи»	«Ижарага оловчи»
<p>«YUNUSOBOD DEXQON BOZORI» АЖ; Манзил: Юнусобод тумани, З-мавзе; х/р.: 2020 8000 8039 0057 2001; ДТ «Халқ банки» Юнусобод филиали; МФО: 00823; КИИК: 202-606 829; ОКОНХ: 71250; тел.: (71) 209-81-66</p> <p>Жамият директори: Yunusobod dexqon bozori</p> 	<p>«Poytaxt Bank» AJ AMALIYOT BOSHQARMASI 100063, TOSHKENT SH., ISLOM KARIMOV KO'CHASI, 55-UY. TEL.: (71) 214-20-00 H/R: 1990 9000 9000 0117 2001 BK: 01172 STIR: 207 290 120 OKED: 64190</p>   <p>D. A. Амирзаков</p> 